

«Неча пул экан?»



10:07 / 30.10.2018 3706

Маслама ибн Абдурраҳим Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига келди. Унинг эгнида Миср чойшабидан кийим бор эди. Халифа Умар ибн Абдулазиз сўради:

- Буни неча пулга олдинг, Абу Саъид?

Маслама унинг нархини айтди.

Шунда халифа деди:

- Нархини бир оз туширанг обрўйинг камайиб қолармиди?

Маслама:

- Йўқ.

Халифа:

- Нархига яна қўшиб берсанг, обрўйинг кўтарилиб қолармиди?

Маслама:

- Йўқ.

Халифа:

- Билиб қўй, Маслама, савдолашишнинг афзали бадавлат бўла туриб савдолашишдир. Кечиришнинг афзали жазолашга қодир бўла туриб кечиришдир. Мулоимликнинг афзали волий (ҳоким) бўлганидан кейинги мулойимликдир.

Чинакам инсонлар

Ибн Муборак билан Суфён Саврий ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтган экан:

- Чинакам инсонлар кимлар?
- Уламолар
- Кимлар чинакам шарафли?
- Тақводорлар.
- Чинакам подшоҳлар кимлар?
- Парҳезкорлар.
- Чинакам омилар кимлар?
- Гап билан одамларнинг пулинни оладиган қиссагўйлар.
- Чинакам пасткашлар кимлар?
- Золимлар.

Ҳоний ал Ҳаж

“Солиҳлар гулшани” китобидан